6 МАЙ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 90 (20. 957) 1991 йил 14 май, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ЖУМҲУРИЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 12 май куни жумҳурият Иқтисодиёт комитети ҳамда Молия вазирлиги раҳбарияти ва ходимлари билан учрашди.

Учрашувда нутқ сўзлаган Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жумҳуриятнинг иқтисодий идоралари олдида турган аниқ вазифаларга тўхталиб ўтди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча ишлар тез ўзгараётган иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, жумҳурият халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларига мувофиқ равишда бажарилиши лозим. Қабул қилинган ёндашувлар ва қоидаларни танглик жараёнлари кучайишининг олдини олишга, бой маҳаллий ресурслардан фойдаланиш асосида ижтимоий-иқтисодий вазиятни изчиллик билан оғишмай яхшилашни таъминлашга қодир бўлган чинакам, пухта ўйланган чора-тадбирлар билан аниқ ва равшан тўлдириш йўллари ҳақида гап борди.

Кенг доирадаги масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, бюджетнинг даромадлари қўшимча манбаларини қидириб топиш, ички бозорни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш вазифалари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари диққат марказида бўлди.

И. А. Каримов якунловчи сўзида учрашув қатнашчиларига мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш ишлари қандай бораётганлиги ҳамда жумҳуриятлараро алоқаларни, шунингдек ташқи иқтисодий муносабатларнинг мустақиллигини ривожлантириш ва кенгайтириш жараёнлари муқаррарлиги тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини босқичма-босқич изчиллик билан амалга ошириш иқтисодчи олимлар ва жумҳурият мутахассислари олдида фаолиятнинг кенг уфқларини очиб беради. Шу муносабат билан иқтисодий тадқиқотлар ва меъёрлар илмгоҳининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисодиёт илмгоҳи, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқа илмий бўлинмалар жамоалари жумҳуриятнинг долзарб масалаларини ўртага қўйиш ва ҳал этишда тегишлича ташаббускорлик қилмаётганликлари, иқтисодиёт комитети эса уларга аниқ-равшан ижтимоий буюртма бериш йўли билан уларнинг имкониятларини сафарбар эта олмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ИШЧИ ГУРУҲИДА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИДА

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 12 май куни Ўзбекистон ССР Президенти, Конституция комиссиясининг раиси И. А. Каримов раислигида республика Асосий қонунининг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссиянинг ишчи гуруҳи тузилди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари IV сессиясининг республика Давлат герби ва байроғини яратиш тўғрисидаги топшириқларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Яқинда ишчи гуруҳлар, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари ҳамда Маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш қўмиталари раҳбарларининг биргаликдаги мажлиси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Композиторлар ва Рассомлар уюшмаларининг, жамоатчиликнинг вакиллари қатнашдилар.

Илгари Конституция комиссияси маъқуллаган Мадҳиянинг матнига мусиқа яратиш юзасидан конкурс уюштириш, шунингдек, Герб ҳамда байроқнинг янги кўринишларини тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиясининг янги матнига конкурс комиссияси томонидан танлаб олинган мусиқа вариантларини кўриб чиқиш бўйича, Ўзбекистон ССР Давлат рамзлари (Герби, байроғи) бўйича конкурс Низоми ҳамда эксперт гуруҳларининг таркиби, шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг Герби ва байроғини яратиш ишларини уюштирувчи ижодий гуруҳ рўйхати қуйида эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ УЧУН МУСИҚА ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Н И З О М

1. Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқаси халқнинг миллий руҳига мос келадиган, ўзбек классик ва халқ мусиқа маданиятининг энг яхши анъаналарини мужассам этадиган, элимизнинг миллий гурурини, асрлар давомида яратган маънавий қадриятларини, куч-қудрати ва маҳобатини улуғлайдиган, порлоқ келажакка, эрк ва мустақилликка бўлган ишончни ифодалайдиган асар бўлмоғи керак.

Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиясининг мусиқаси тантанали-улуғворлик руҳида янграши, ўзбек миллий оҳанги билан ажралиб туриши, унда эсда қолиши осон бўлган равонлик билан юксак даражадаги маҳорат мужассам бўлмоғи керак.

2. Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқаси мазмуни билан ҳам, миллий руҳи билан ҳам, бадиий теранлиги билан ҳам Ўзбекистон ССР Конституция комиссияси томонидан тасдиқланган «Қўнғиртовлиқ» шеърининг матнига тўла мос келиши керак.

3. Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқаси хор ва симфоник оркестр томонидан ижро этилиши билан бирга миллий чолғу асбоблари ансамбли томонидан ҳам ижро этиладиган қилиб яратилиши керак.

4. Танловда Ўзбекистон ва қардош жумҳуриятларнинг композиторлари, бастакорлари ва мусиқа санъати усталари қатнашишлари мумкин. Танлов комиссияси (жюри)нинг таркибини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари ҳамда Маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш қўмиталари ва Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқаруви белгилайди. Танловга якка муаллифнинг асари ёки ижодий ҳамкорликда яратилган мусиқа асарлари тақдим этилиши мумкин.

Композиторлик техникаси ва ҳабардор бўлмаган халқ бастакорларининг мусиқа асарлари танловнинг биринчи босқичида маъқуллангач, композитор билан келишиб туриб ишланиши мумкин. Танловга тақдим этилган нота ёзувларига муаллиф ҳақидаги маълумотлар илова қилиниши лозим. Танлов бир неча босқичда ўтади.

5. Янги Давлат мадҳиясининг мусиқаси танлови очиқ ўтказилади. Ўзбек миллий мусиқа оҳангларининг жозибадорлиги ва нозик ифодаларнинг ўзига хослигини, уларни нота ёрдамида тўлақонли ижро этиб бериш мумкин бўлмаганлигини ҳисобга олиб, муаллиф ёки ҳаммуаллифлар Мадҳия мусиқасининг дастлабки ижроси машқида бевосита қатнашишлари танловда назарда тутилган. Дастлабки ижро Мадҳия мусиқаси муаллифининг ўзи тавсия этган солист томонидан ижро этилади ҳамда фортепьяно ва бошқа мусиқа асбоблари унга жўр бўлади. Муаллифнинг хоҳишига кўра, унинг мусиқаси бир неча солист томонидан ижро этилиши мумкин.

6. Биринчи босқичда танлов комиссияси иккинчи босқичда иштирок этадиган бир неча диққатга сазовор асарни танлаб олади.

7. Танловнинг иккинчи босқичида иштирок этадиган мусиқа асарларининг икки нусхада клавири ва бир нусхада партитураси тақдим этилиши керак. Танловнинг бу босқичида мусиқа асарлари аралаш хор ва симфоник оркестр томонидан ижро этилади. Танловнинг иккинчи босқичига чиққан барча муаллифларга симфоник оркестр ва аралаш хор билан ишлаш имкони ва дирижёр танлаш ҳуқуқи берилади.

8. Танлов комиссияси иккинчи босқичга тавсия этилган асарлар орасидан икки-учта мусиқа асарини танловнинг учинчи босқичида қатнашиш учун овоз бериш йўли билан саралаб олади. Мусиқа асарларини муҳокама қилишда танлов комиссиясининг аъзоларидан ташқари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, шунингдек, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси томонидан таклиф этилганлар қатнашиши мумкин.

9. Учинчи босқичда — танлаб олинган мусиқа асарлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, республика радиоси ва телевидениеси орқали ижро этилади. Кенг жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда икки энг яхши мусиқа асари биринчи ва иккинчи ўринларга тақдим этилади.

Биринчи ва иккинчи ўринларни бериш ҳақидаги узил-кесил қарор Ўзбекистон ССР Конституция комиссияси томонидан чиқарилади. Биринчи ўринни олган мусиқа асари учун 7500 сўм, иккинчи ўринни олган мусиқа асари учун 5 минг сўм мукофот берилади.

10. Ўзбекистон ССР Конституция комиссияси Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқасини шеърий матни билан бирга тасдиқлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган мусиқа асари Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси деб ҳисобланади.

Танловда қатнашиш учун мусиқа асарлари 1991 йилнинг 1 сентябригача қабул қилинади.

Мадҳиянинг ноталарини «Мадҳияни яратиш бўйича танловга» деган ёзув билан почта орқали ёки шахсан қуйидаги манзилгоҳга етказиб бериш мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 69 уй, Ўзбекистон ССР Композиторлар уюшмаси. Ўзбекистон ССР Мадҳиясининг тасдиқланган шеърий матнини Ўзбекистон Композиторлар уюшмасидан олиш мумкин.

Эслатма: конкурсга юборилган асар ноталари қайтарилмайди.

КОНКУРС КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ТАНЛАБ ОЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ЯНГИ МАТНИГА МУСИҚА ВАРИАНТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ ЭКСПЕРТ ГУРУҲИНИНГ ТАРКИБИ

Жабборов Аҳмад Ҳамидович — Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, гуруҳ раҳбари

Абдуллаев Рустам — композитор, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг котиби, Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

Акбаров Икром Илҳомович — композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

Бафоев Мустафо — композитор, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш қўмитаси ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри

Бобоев Собир Бобоевич — композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Бурхонов Мутал Музаффарович — композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва Қорақалпоғистон МССР Давлат мукофотининг лауреати

Жалилов Сайфи (Сайфи Жалил) — композитор, Тошкент давлат консерваториясининг профессори, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

Мансуров Аваз — композитор, Тошкент давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Мусаев Улуғбек Раззоқович — композитор, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг котиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Насимов Мардон — композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон МССРда хизмат кўрсатган артист, профессор

Раҳимов Ҳабибулло — композитор, Тошкент давлат консерваториясининг доценти

Тожиев Мирсодиқ Маҳмудович — композитор, Тошкент давлат консерваториясининг доценти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Умиджонов Ботир Ҳошимович — композитор, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети хорининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ (ГЕРБИ, БАЙРОҒИ) БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ ГУРУҲИНИНГ ТАРКИБИ

Салоҳиддинов Маҳмуд — ЎзССР Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Конституция комиссиясининг аъзоси, гуруҳ раҳбари

Абдуллаев Самиғ Файзуллаевич — Ўзбекистон халқ рассоми, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Азимов Сарвар Олимжонович — Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири, Президент Кенгашининг аъзоси

Алламуродов Бўри — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси, СССР халқ депутати

Асқаров Аҳмадали — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш қўмитасининг раиси, Конституция комиссиясининг аъзоси

Аҳмедов Ғулом — юридик фанлар доктори, профессор (фалсафа ва ҳуқуқ институти)

Зиётов Парда — Жиззах ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Конституция комиссиясининг аъзоси

Ёқубов Одил Эгамбердиевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, СССР халқ депутати

Искандаров Иброҳимжон — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти

Искандаров Мирзағани — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг директори, Тошкент шаҳри

Козлов Владимир Алексеевич — Сирдарё вилояти «Голодностепирмонтаж» трести 2-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчи слесарлар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Конституция комиссиясининг аъзоси

Муҳитдинов Нуриддин Акрамович — Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини асраш жамияти бошқаруви раёсатининг раиси, Конституция комиссиясининг аъзоси

Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ — Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси, СССР халқ депутати

Ниёзов Шавкат — «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасининг муҳаррири

Носиров Азиз — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Конституция комиссиясининг аъзоси

Раҳмонов Расул — «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бош муҳаррири, Конституция комиссиясининг аъзоси

Самандаров Эркин — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари

Сафаров Рубен Акопович — «Правда Востока» рўзномасининг бош муҳаррири, Конституция комиссиясининг аъзоси

Тўлаганов Абдужаббор — юридик фанлар доктори, юридик институтининг кафедра мудири

Укубаев Ортиқбой Киновекович — қозоқ маданий марказининг раҳбари

Юсупов Иброҳим — Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Юсупов Комил — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг котиби

Юсупов Эркин — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, В. И. Ленин номидаги ТошДУ ректори, СССР халқ депутати, Президент Кенгашининг аъзоси, Конституция комиссиясининг аъзоси

Қаюмов Лазиз Пўлатович — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири

Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна — Ўзбекистон ССР Архитекторлар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ғойбов Наим Ёвқочевич — Ўзбекистон ССР маданият вазири

Ғуломов Расул — уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси, СССР халқ депутати

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ ГЕРБИ ВА БАЙРОҒИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ИЖОДИЙ ГУРУҲНИНГ ТАРКИБИ

Жалолов Баҳодир Фазлиддинович — Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг раиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, гуруҳ раҳбари

Аненков Петр Тимофеевич — график рассом

Аҳмедов Раҳим — СССР халқ рассоми, СССР Рассомлар академиясининг мухбир аъзоси

Аҳмедова Нигора Раҳимовна — санъатшунос назариётчи

Икромжонов Акмал Тўраевич — Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати, тасвирчи рассом

Мамажонов Анвар Олимжонович — график рассом

Нуриддинов Акмал Ваҳобжонович — тасвирчи рассом

Оқилова Камола Болтаевна — санъатшунос назариётчи

Раҳметов Собир Ғафурович — тасвирчи рассом

Умарбеков Жавлон Юсупович — Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ҳакимов Акбар Абдуллаевич — Рассомлар уюшмаси бошқарувининг котиби

Шодиев Раҳмон — тасвирчи рассом.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИЛМГОҲИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Молия кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш, молия, банк, ҳисоб-кредит муассасаларининг, жумҳуриятдаги бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг молия ходимларига эҳтиёжини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида:

1. 1991 йил 1 июндан бошлаб СССР Давлат банкининг Тошкентдаги ҳисоб-кредит техникуми, Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳининг «Молия-кредит» ва «ҳисоб-иқтисодиёт» факультетлари негизида Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия илмгоҳи ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ Б. С. Ҳамидов) ушбу Фармонни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 13 май.

(Фармон шарҳини рўзноманинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

«ТОШКЕНТ АМАЛИЙ УЧРАШУВИ»: ИШ БОШЛАНДИ

● Июнь ойининг ўрталарида Тошкент амалий учрашуви бўлади. Бу катта тадбирда ўнлаб етакчи чет эл компаниялари, банклари, фирмаларининг вакиллари қатнашадилар. Унга тайёргарлик кўриш ишлари ҳозирнинг ўзидаёқ қизғин тус олди. Ташкилот комитетининг биринчи мажлисида шу ҳақда гапирилди. Мажлисда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов раислик қилди.

Ўзбекистонда ҳали бундай тадбир ўтказилмаганлиги таъкидланди. Кейинги вақтларда сиёсий ва иқтисодий турмушда рўй берган ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги декларация жумҳуриятнинг халқаро майдонга мустақил чиқиши учун кенг истиқбол очди. «Тошкент амалий учрашуви» шундай тадбирки, унда энг йирик ва хорижий фирмаларнинг вакиллари Ўзбекистон корхоналари, ташкилотлари, илмий ва тадқиқот илмгоҳлари билан мустаҳкам амалий алоқа ўрната оладилар.

Июнь учрашувида Буюк Британия, Бельгия, Франция, Италия, АҚШ, Хитой, Гонконг, бир қанча араб мамлакатларининг савдо-саноат доиралари намояндалари қатнашишини айтишнинг ўзи кифоя.

(Давоми иккинчи бетда).

● Фармон ва қарорга шарҳ

БИРЛАШМА ТУЗИЛДИ

Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш кооператив бирлашмаси — Ўзбекистон Кооператив тайёрлов-савдо бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бу бирлашма Ўзбекбирлашувга қарашли маҳсулот тайёрлаш ва кооператив савдоси бош бошқармаси, унинг вилоят, шаҳар тайёрлаш ва сотиш базалари ҳамда идоралари, ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва деҳқон бозорлари негизида барпо этилмоқда.

Шу вақтга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масалалари билан бир неча ташкилот шуғулланиб келди. Янги бирлашма тузилгач, бу масалалар бир ташкилот қўлида тўпланади.

Ўзбекистон Кооператив тайёрлов-савдо бирлашмаси бўлинмалари зиммасига жамоа ва давлат хўжаликларида етиштирилган картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор меваларни тайёрлаш, шундай маҳсулотларни ижарачилардан, деҳқон (фермер) хўжаликларидан, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидан, боғдорчилик, узумчилик ширкатларидан, бошқа

(Давоми иккинчи бетда).

БИРЛАШМА ТУЗИЛДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қишлоқ хўжалик корхоналаридан сотиб олиб тайёрлаш, шаҳарларда, район марказларида, қишлоқларда, деҳқон бозорларида ва ёйма бозорлардаги ихтисослаштирилган магазинлар ва дўконларда бундай маҳсулотлар билан савдо қилишни ташкил этиш юклатилган.

Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган 6600 дан зиёд ихтисослашган магазин, павильон ва дўконлар, шунингдек, картошка ва сабзавот, мева сақланадиган омборлар, машиналар билан совутиб туриладиган омборхоналар ва қайта ишловчи кичик корхоналар бирлашма ихтиёрига берилади. Бозорлар ишини ва бозор савдосини ташкил этишни яхшилаш мақсадида жумҳуриятдаги мавжуд барча деҳқон бозорлари бирлашма ихтиёрига топширилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Кооператив тайёрловсавдо бирлашмаси қишда сақлаш учун мева-сабзавот маҳсулотларини ва картошкани ғамлаш, аҳолини йил давомида таъминлаб туриш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш, тузлаш корхоналарини ривожлантириш билан шуғулланишга мажбур.

Ўзбекбирлашув тизимидаги мавжуд чорвачилик маҳсулотлари (чорва моллари ва парранда, сут ва тухум, қоракўл, жун, ичак ва мўйна хом ашёси) тайёрлаш тартиби ҳам янги тузилган бирлашмага топширилади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи ҳар бир жамоа, давлат хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ва бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан ҳовлима-ҳовли юриб бевосита шартнома тузиш янги тузилган кооператив бирлашманинг ўзига хос хусусияти бўлади.

Қарорда хўжаликлар ва аҳоли талаб этаётган турдаги қишлоқ хўжалик экинларини энг қулай муддатда экиб олишларини таъминлаш учун шартнома тузишни кузги-қишки ишлар бошлангунга қадар тугаллаш топширилган.

Шартномада маҳсулот етиштирувчининг маҳсулот ҳажми, тури, сифати ва уни етказиб бериш муддатига доир, тайёрловчининг олдиндан пул тўлаб қўйиш, идиш билан, жойлаш материаллари билан, омухта ем, ўғит, техника ва транспорт билан таъминлашга доир ўзаро мажбуриятлари аниқ кўрсатиб қўйилади.

Ўзбекистон Кооператив тайёрлов-савдо бирлашмаси корхоналарига давлат буюртмасига қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш учун бундай маҳсулотларга талаб ва таклифга қараб нарх белгилашда иқтисодий эркинлик берилади.

Маҳсулот тайёрлашни уюштиришда зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида янги тузилган бирлашмага имтиёз берилади. Бу имтиёз бирлашмага қарашли ташкилотларни унинг асосий фаолияти (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш) билан боғлиқ фойдаси ва транспорт воситаларидан солиқ сифатида бюджетга тўловлардан яқин уч йил давомида озод этишдан иборат бўлади.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати концернининг Умумиттифоқ фондига узум, қуритилган мева тайёрлаб ва етказиб берадиган, шунингдек ўз системасидаги хўжаликларда картошка ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлайдиган ва етказиб берадиган ягона ташкилот сифатидаги вазифалари сақлаб қолинади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Кооператив тайёрлов-савдо бирлашмасининг ташкил этилиши мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, жумҳурият аҳолисини бундай маҳсулотлар билан йил давомида узлуксиз таъминлаш масалаларини тез ва ҳар томонлама ҳал этишга имкон беради.

ЯНГИ ҒОЯВИЙ ИҚЛИМ

ХОЗИР ижтимоиётчилар ўз бошларидан ниҳоятда қийин даврни кечирмоқдалар. Олдинги дастур, дарсликлар асосида бу соҳада дарс ўтишда, таълим-тарбия ишларини олиб боришда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Олий ўқув юртларида умумий ўқув ҳажмининг деярли учдан бирини ташкил этувчи ижтимоият илмини ўқитишда, ўқитиш дастурларида катта ўзгаришлар рўй берди. Бундай ўзгаришларнинг рўй бериши — замон талаби; ҳозир умуман халқнинг илмларга, инсон ҳаёти, келажаги ғоялари ҳақидаги умумий гуманитар билимларга — тарих, маданиятшунослик, адабиёт, фалсафа, иқтисод, аҳлоқшунослик кабиларга эҳтиёжи, талаби бир неча бор кучайди. Ўз-ўзини тушуниш, миллий онгнинг тез ривожи, тарихда ўз ўрнини англашга интилиш ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланиши назарий-методик масалаларни қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжини кучайтирди. Бу масалаларнинг кўндаланг қўйилиши, уларга ўзгартиришлар киритиш, қайта қуришнинг муҳим натижаларидан биридир.

Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тор синфий партиявий манфаатлардан қутулиб, умуминсоний маданий тараққиётнинг кенг йўлига кириш кабилар ижтимоий фанлар соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Марксизм-ленинизмга мансуб деб ўқдирилиб, йиллар давомида муқаддас деб ҳисоблаб келинган назарий, методологик масалалар, кундалик шиоримиз бўлиб қолган қоидалар, ҳаётдан ажраб қолган мавҳум фикрлар ҳозирги сиёсий-иқтисодий турмуш олдида сафсатага, сунъий ва қуруқ гапларга айланиб қолмоқда. Ижтимоий билимларимиз асосида ётган «социализм», «коммунизм» тушунчаларининг ўзи жиддий таҳлил ва таҳririга мухтож. Улар билан боғлиқ бўлган ва кенг тарқалган «социалистик ҳаёт тарзи», «мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданият», «коммунистик ахлоқ кодекси» каби қатор тушунчалар, «илмий коммунизм», «КПСС тарихи» каби предметлар тамоман янгича талқинни талаб этади. Ижтимоий фанлар олдинги даврларда партия сиёсати, унда вужудга келган маъмурий-буйруқбозлик тизимига бўйсундирилиб, ўзининг фанлигини йўқотган эди.

Бу маънавийликка ҳам, амалий фаолиятга маълум фойда билан бирга катта зарар ҳам келтирди, умуминсоний тараққиётдан чегаралаб, ажратиб қўйди. Унинг фойдали томонларини кўкларга кўтариб мақтаб, ҳақиқатнинг энг олий нуқтаси деб таърифлаб зарарли томонларидан кўз юмишга мажбур бўлдик. Республикамиз Президенти И. А. Каримов ўзининг «Известия» газетаси мухбирига берган жавобида фанимизда янгилик деб кўкларга кўтарилган, «нокапиталистик тараққиёт» йўлининг минтақамиз, республикамиз учун амалда келтирган катта зарарини қайд қилиб ўтди. Ижтимоий фанлар олға сурган айрим назариялар ҳаётдан ажралиб қолди, ижтимоий ҳаётда ўз тасдиғини топмади. Бу соҳадаги айрим мавҳум ишлар, қоидаларимиз амалда хато, нотўғри бўлиб халқни чалғитиш учун хизмат қилди. Маркс, Ленин таълимотининг моҳияти қатағонлик ва турғунлик даврида бузиб юборилди. Барча чет эл таълимотлари, белгиланган ақидалардан ҳар қандай чекиниш, коммунизм, марксизм-ленинизмга зид деб қаралди. Ҳозирда уларнинг асосий вазифаси — ижтимоий ҳаёт ҳақиқатини тўғри акс эттириш ва реал зиддиятларни, қийинчиликларни ҳал этишнинг тўғри йўлини кўрсатиб бериш, яъни ҳақиқий фанлар хусусияти қайта тикланмоқда.

Кейинги уч йил давомида СССР Халқ таълими давлат қўмитаси ижтимоий фанларни ўқитиш, уларнинг тузилиши, хуллас, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги, демократия асосида уларни қайта қуришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда барча ижтимоий фанларнинг инсоният манфаатларига хизматини, инсонпарварлик мазмунини кучайтириш мақсад қилиб қўйилди.

Қарорларда шу вақтга қадар олий ўқув юртларида ўқитиб келинаётган тўрт ижтимоий фаннинг номи ва дастури тамоман янгиланди.

Сиёсий мавзуда суҳбатлар

Улар билан бир қаторда этика, эстетика, логика, фалсафа тарихи, дин ва атеизм тарихи ва назарияси фанларини ҳам ўқитиш кўзда тутилади. Барча олий ўқув юртларида маданият тарихи ва назариясини кенг ўқитиш ҳақидаги қарор, айниқса, эътиборга лойиқдир.

БУ ЎЗГАРИШЛАР шубҳасиз кадрлар тайёрлаш, кафедраларнинг ташкил топиши, имтиҳонлар ўтказиш, мутахассисликларни белгилаш, диссертациялар ёқлаш соҳасида маълум қайта қуриш ишларини амалга оширишни талаб этади. Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қабул қилган тавсияномада ҳам барча олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи» курсини ўқитиш билан бирга барча ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича, жумладан, фалсафа, иқтисод, социализм назарияси, диншунослик ва ҳурфикрлилик, маданиятшунослик кабилардан саккизта махсус курс ўтиш таъкидланади.

Бу курслар талабаларга барча ижтимоий-гуманитар фанлар тармоқларининг Ўрта Осиё, Ўзбекистон шароитида қадимдан ҳозиргача ривожланиш тарихи ва хусусиятларини ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бу тавсиянома барча ёшларни республикамиз маънавияти тарихи, маданий мероси, ўтмиш маданияти, ғоявий ривожланиши билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади ва Ўрта Осиё маданияти тарихи, унинг турли тармоқлари дунё маданиятининг ҳозир тан олинган соҳаларининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлайди. Бу олий таълим соҳасидаги қайта қуришнинг ифодаларидан бири бўлиб, у миллий бойлигимиз — Бухорий, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Яссавий, Улуғбек, Беҳзод, Хондамир, Навоий, Машраб кабиларнинг ижодлари, бой маданиятимизнинг ўтмиши, ютуқлари билан танишиш имконини беради. Шу билан бирга иқтисод фани соҳасида Ўзбекистон шароитида бозор иқтисодига ўтиш хусусиятлари, социализм назариясида миллий муносабатлар ва байналмилал дунёқараш, сиёсий тарих фанида Ўзбекистоннинг сиёсий тарихи ҳақида махсус курслар ўқиш назарда тутилган.

«Совет Ўзбекистони» саҳифасида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ушбу тавсияномаси устида баҳс кўтарилиб, унда қатор фойдали мулоҳаза ва таклифлар олға сурилган. Шу билан бирга юқорида айтилган саккиз махсус курснинг ҳаммасини «Ўзбекистон тарихи» курсида ўқитиш зарур деб таъкидланади. Шу муносабат билан қатор муаммолар олдинга сурилади. Масаланинг бу даражада тор талқин этилиши, барча ижтимоий-гуманитар илмлар ва ижтимоиётчилар олдига қўйилган муҳим вазифаларни инкор этишга олиб келади.

Бу махсус курслар гуманитар фан ҳисобига бажарилади. Шу фан учун уни конкретлаштириш минтақа хусусиятлари билан боғлаш учун хизмат қилади.

Бу муҳим янгиликлар ёш ижтимоиётчиларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот, бу соҳадаги нашриёт ишлари, муаллимлар таркибини шакллантириш олдига ҳам янги вазифалар қўяди. Шу билан бирга Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлари хусусан, фалсафа, иқтисод, маданият, тарих, ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи институтларининг йўналиши, тадқиқотларига ҳам муҳим ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Илмий-тадқиқотларни ёшларнинг таълим-тарбияси билан узвий боғлаб олиб бориш олимларимизнинг, академиямизнинг муҳим вазифасидир.

Ҳозир халқимизнинг маданий бойлиги меросини кенг илмий равишда ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёшларда миллий онг, тарихга ҳурмат, унинг ажойиб саҳифаларидан ҳозирги ҳаётимиз муаммоларини ҳал этишда, халқ маънавиятини кўтаришда кенг фойдаланиш муҳим масала сифатида олдинга сурилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдаги бу муҳим янгиликлар илмий-тадқиқотгина эмас, умуман бу соҳадаги сўнгги тараққиётга, таълим-тарбия ишларига катта таъсир кўрсатиши равшан. Хусусан, иқтисодчи ва файласуфларни тайёрлаш соҳасида ТошДУ фалсафа-иқтисод факультетининг дастурларини бундай янгиликлар билан бойитиш талаб этилади. Факультетда ёш файласуфларни шакллантиришда, ўқитиш ишларида маънавий тарихимизни, хусусан Шарқ, Ўрта Осиё маданий меросини кенг ва чуқур ўрганиш, дастурни ҳозирги тараққиёт талаби асосида қайта кўриб чиқиш, янги кафедралар тузиш мақсадга мувофиқдир.

ХАЛҚИМИЗ маънавияти тарихини, меросимизни чуқур ўрганиш ва билишимиз на фақат ижтимоий-гуманитар фанга, балки инсон ҳақидаги бошқа фанлар соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва таълим-тарбия ишларига ҳам бевосита алоқадордир. Жумладан, ахлоқшунослик, педагогика фанлари ҳам Шарқда, Ўрта Осиёда чуқур тарихга эга. Шарқ, Ўрта Осиё халқлари яратган таълим-тарбия, ахлоқ-одоб ҳақидаги бой педагогик меросни ўрганиш педагогика соҳасидаги илмий ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бўлишлиги замона талабидир.

Москвада дарслик сифатида нашр этилган ва институтларимизнинг ўқитилаётган педагогика тарихи курсида асосан Европа ва Рус педагогикаси тарихи берилган. Ўрта Осиё халқларининг, Шарқ халқларининг бой педагогик мероси ҳақида деярли ҳеч нарса йўқ.

Республикамизда педагогика соҳасида бирдан бир илмий ишларнинг маркази бўлган Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-текшириш институтида умуман бу масала четлаб ўтилган, неча йиллардирки, педагогик мерос, Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихи билан, афсуски, шуғулланмайдилар.

Хўш, бу хазинани ким ўрганади? Ҳолбуки, бу соҳада қўлёзмалар таҳланиб ётибди. Улардаги ажойиб фикрлар ўз тадқиқотларини кутмоқда.

Айни пайтдаги ўзгаришлар, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги, айниқса, ўзбек тилида қўлланмалар, дарслик материалларини яратиш заруриятини туғдиради. Буларнинг ҳаммаси қатор ташкилий масалаларни ҳал этишни талаб этади. Бу ҳозирги тараққиёт томонидан олға сурилган муаммоларни, халқимизнинг бой маънавиятини, маданий меросимизни ўрганишга бўлган интилишдан келиб чиқувчи вазифаларни ким ҳал этади? Ўзимиз. Бу масалаларни четдан, бошқа республикадан келиб ҳал этиб бермайди. Республикамиз суверенитетга эга бўлди, тилимиз давлат тили деб, эълон этилди, дин ва виждон эркинлиги ҳақида қонун қабул этилди, диний меросга муносабат ўзгармоқда, ҳатто Қуръон, Ҳадиснинг таржималари чоп этилмоқда.

Ғоявий иқлим янгиланиб, тафаккур йўналиши ўзгарди. Инсон, миллий маданият, умуминсоний қадриятлар бошқа халқлар билан маданий алоқаларни авж олдириш, маънавийлик, ижтимоий-гуманитар фанларда етакчи ўринга кўтарилмоқда, эндиликда ўз вақтида йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш, тараққиётнинг кенг йўлида сусткашлик қилмасдан халқимиз маънавиятининг тез ривожи учун хизмат қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Лекин шу билан бирга бу соҳада тартибсизлик, чалкашликнинг вужудга келаётгани, турли ташкилотларнинг фаолияти ўртасида келишув, маълум система, дастурнинг йўқлиги, савияси паст, қайтариқ материалларнинг кўпайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Ҳолбуки, маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб-ташфиқ қилиш ҳозирги шароитда муҳим ғоявий-тарбиявий, сиёсий аҳамият ҳам касб этади, ёшлар, умумомма дунёқарашининг шаклланишида катта ўрин тутади. Шуни назарга олиб жумҳурият Президенти Кенгаши қошида маданий бойликларни, маънавий меросни (бу тарих, фалсафа, шарқшунослик, адабий, педагогика, санъатшунослик ва бошқа қатор соҳаларга бевосита алоқадордир) ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари бўйича мутахассислар ҳамда турли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида махсус маслаҳат комиссияси ёки шунга ўхшаш бирор кенгаш тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу кенгаш:

олиб борилаётган ишларни системалаштириш ва ўзаро мувофиқлаштириш;

илмий тадқиқотларнинг йўналиш ва муаммоларини белгилаш;

турли масалалар бўйича тавсияномалар, таклифлар тайёрлаш;

бу соҳа чет эл мутахассислари, олимлар, ташкилот, нашриётлари билан алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш каби вазифалар билан шуғулланган бўлур эди.

Бу масалани бирор ташкилотга ёки тор доирага топшириш уни республика миқёсида амалга оширишни таъминлай олмаслиги мумкин.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги.

ҚАДАМИДАН ЎТ ЧАҚНАГАН ЙИГИТ

Корхона илғорлари ҳақида ёзмоқчилигимизни айтганимизда Исо Магометов бригадасига йўллашди. Бригадир эса Собир Шоимовни тавсия этди. Айнан шу кишига юборилишимиз сабабини суриштирсак:

— Қадамидан ўт чақнаган йигит, — дея таъкидлади Исо Магометов. — Муҳандисдан чиққан смена бошлиғи. Баобрў.

Муҳандис смена бошлиғи? Ажабланганимизни кўрган бригадир яна қуйидагиларни илова қилди:

— Темир йўл транспорти олийгоҳида ўқиб, бинокор-муҳандис мутахассислигини олган. Ўзининг айтишича, идорада ўтириб бажариладиган ишга мойил эмас. Кўз билан кўриб, қўл билан тутиб қилинадиган иш унга маъқул. Бундан ташқари, қолиплаш ишида муҳандис назари аҳамиятли эканини ҳам ҳисобга олиш керак, деб ўйлайман.

Бўлса бордир. Ҳар ҳолда муҳандис ўз ўрнида ишлаши керак. Ҳукумат маблағ сарфлаган, беш йил ўқитган. Эҳтимол, бу — Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида олий маълумотли мутахассислар кўплигидан бўлса ажаб эмас.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларимизни Собир билан баҳам кўрганимизда, у мана бундай деди:

— Ҳаммаси тўғри. Сиз айтган гапларни ман оламан. Лекин ҳаёт ҳаёт-да! Тақдир тақозосидан, турмуш раво кўрган йўлдан четга чиқиш ҳам қийин экан.

Кейин Собир очилиб кетди. Муҳандис нега қолиплаш участкасида звено бошлиғи бўлиб юрганини сира яширмай тўкиб солди. У — оилада тўнғич фарзанд. Оилада 16 жон бор. Отаси соғлиғи важидан эрта пенсияга чиқди. Она — уй бекаси. Бундай вазиятда оила ташвишлари тўнғич фарзанд бошида бўлади. Тўнғич ўғил олий маълумотли бўлса-ю, 140 сўм маош олса! Бу ўн олти жоннинг қай бирига етади? Қаҳрамонимиз ўз тақдири, оила ташвишлари ҳақида жиддий ўйлаб қолди...

Бу орада унинг укаси Содиқ ўрта мактабни битириб, комбинатнинг 2-темир-бетон буюмлари заводига кирди. У ерда астойдил меҳнат қилиб, эътибор топмоқда эди. Содиқнинг маоши ҳам анчагина дуруст. Ўғилларининг ҳаётини зимдан кузатиб юрган ота бу ҳақда жиддий гап кетган пайтларнинг бирида, Собирга ҳам укаси ёнига кириб ишлашни маслаҳат берди. Ота- она, ака-ука бу ҳақда анча гаплашиб, маслаҳатлашиб ўтирдилар. Охири ота мулоҳазаси ҳаммага маъқул тушди. Олий маълумотли муҳандис йигит комбинатга оддий ишчи, яъни қолипловчи бўлиб келди. Бўлиб ўтган воқеа шу.

— Орадан икки йил ўтиб-ди. Энди шундай йўл тутганингиздан пушаймон эмасмисиз? — қизиқдик биз.

— Асло, — дейди у. — Бу ерда ҳаётда ўз ўрнимни топгандай бўлдим. Маошим ойига 300—320 сўмни ташкил қилади. Йигитлар билан тез тил топишиб кетдик. Ҳозир ҳаммамиз бир оиладекмиз. Улар мени ҳурмат қилишади, мен эса уларни.

Собирнинг гапларида жон бор. Биринчидан, у орадан кўп ўтмай смена бошлиғи бўлди. Маҳалладошлари Собир Шоимовни шаҳар Советига депутат қилиб сайладилар. Комбинат комсомоллари унга катта ишонч билдириб, йирик комбинат комсомолларининг етанчилигига

• Ишчи — яратувчи, бунёдкор

тавсия этишди. Энг муҳими — у малакали, илғор ишчи, садоқатли, меҳрибон дўст, виждонли инсон ва фаол жамоатчи.

Собир звеноси меҳнат қилаётган 3-полигон фақат заводдагина эмас, балки комбинатда ҳам энг муҳим участка. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, полигонда йигитларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли 20 га яқин маҳсулот турлари ишлаб чиқарилаётир. Кичик босимдаги қувурлар, катта йўл қурилишларида бостириладиган плиталар, стакан шаклидаги катта асослар (фундамент), турли ҳажмдаги устунлар тайёрланади. Бу маҳсулотлар сифати, чидамлилиги билан ажралиб туради. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сифатли, чидамли бундай маҳсулотларга талаб ортиб бориши тайин.

Собир Шоимов ўз сафдошларидан миннатдор. У тажрибали ҳамкасбларининг номларини ифтихор билан тилга олди. Фозил Қутбиддинов, Исомиддин Холманов, Абдужаббор Раимов ва бошқалар маҳсулот тайёрлаш ҳажми, сифатини оширишда намуна. Улар ишлаётган завод, шу жумладан полигон меҳнат жамоаси смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқдалар. И. Магометов бригадасининг Собир етакчилик қилаётган звеноси эса корхона жамоалари ўртасида кўпдан бери карвонбошилик қилади.

Биз у билан ҳали батафсил суҳбатлашиб улгурмасимиздан коржома кийиб олган тўрт-беш нафар йигитлар келишди ва Собир Шоимов билан қуюқ саломлашишди.

— Ишлар қалай, — дейишди улар Собирга.

— Яхши, — деди звено бошлиғи ва уларга нималарнидир тушунтира бошлади. Англадикки, булар — смена олгани келган ҳамкасблари эди. Сўнгра суҳбатимизга Собирнинг ҳамкасби — смена бошлиғи Абдураҳмон Раимов ҳам қўшилди.

— Иш, иш дейсизлар. Одам фақат иш билан тирик эмас, — деди А. Раимов. — Баъзи раҳбарлар борки, одамдан фақат ишни сўрайди. Аҳволинг, турмушинг қалай дейишга гўё ақли етмайдигандай.

Бу мавзуга Собир Шоимов ҳам қўшилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, улар оиласида 16 жон бор. Бошқача айтганда — уч оила. Лекин ҳаммалари қачонлардир отасига берилган, қамишдан қилинган уч хоналик, умумий фойдали майдони 36 квадрат метр чиқадиган эски уйда турадилар. Корхона маъмурияти асло «йўқ» демайди, доимо «уй берамиз» дейди. Лекин ўша ваъдалар ижро бўладиган вақтларга етиш негадир жуда ҳам қийин бўлиб кетаётир.

Комбинат раҳбарларининг уй-жой қурилиши, одамларга маданий-маиший, медицина хизмати кўрсатиш шароитларини яратишдаги фаолиятларини тўғри баҳоламаслик адолатсизлик бўлур эди. Бу соҳаларда кўпдан бери анча ибратли ишлар қилинмоқда. Айниқса, уй-жой қуриш борасидаги ишларда силжиш бор. Лекин қурилаётган уй-жойларни тақсимлаш борасида ижтимоий адолат нормаларига риоя қилинса, айни муддао бўлар эди. Биз комбинат директори Ю. М. Холодников ҳузурида бўлганимизда, кишини мамнун этадиган хабар эшитдик. Маълум бўлишича, комбинатда ишчиларга бепул совға қилиш учун ўнта коттеж қурилибди. Ана шу совға эгалари бўладиган бахтли кишилар орасида биз юқорида суҳбатлашган корхонанинг чин фидойилари бўлмиш серфарзанд, маҳаллий ишчилар синфи вакиллари ҳам ўрин олсалар қанийди...

Негаки, мазкур комбинат жамоаси ҳам бозор иқтисодиёти шароитида яшамоқда. Бу дамлар эса енгил кечмайди. Россия Федерацияси, Украина жумҳуриятларининг йирик ва ўрта шаҳарлари билан иқтисодий алоқа ўрнатилган. Ҳозирги мураккаб даврда бу алоқалар жуда оғир кечмоқда. Металл, ёғоч, бошқа турдаги қурилиш материаллари, цемент олиш ғоят мушкуллашиб қолди.

Шундай шароитда ишчилар, мутахассислар ижтимоий аҳволига кафолат берадиган тадбирларни дадил амалга ошириш керак. Қадамидан ўт чақнаган С. Шоимов ва унинг тенгқурлари, сафдошлари, ҳамкасблари шу ҳақда кўпроқ гапиришди. Чунки уйингда хотиржамлик бўлса, ишингда ҳам барака бўлади.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ТОШКЕНТ АМАЛИЙ УЧРАШУВИ»:

ИШ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Анжуман номининг ўзи унинг вазифаси алоқа ўрнатишдан, сармоядорларни жумҳуриятнинг иқтисодий имкониятлари билан таништиришдан иборат эканини жуда тўла-тўкис акс эттиради. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида катта экспозиция очилади, унга халқ хўжалиги мажмуи корхоналарида ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотлардан намуна қўйилиши кўзда тутилмоқда. «Тошкент амалий учрашуви» қатнашчиларига ўзларини қизиқтирган хоҳлаган корхонага бориш, етакчи олимлар ва мутахассислар билан муаммоларни ҳамда истиқболларни муҳокама қилиш имконияти берилади.

Хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар барпо этиш, маҳсулот етказиб бериш ҳақида ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш — учрашувнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги ташкилот комитетининг мажлисида таъкидлаб ўтилди. Аммо Ўзбекистон шу пайтгача чет элларга чиқариб келган анъанавий маҳсулот турларига эмас, балки ҳали Ғарб бозорига таниш бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқларга асосий эътибор берилади. Шу сабабли кўпгина манфаатдор вазирликлар ва идоралар меҳмонларнинг келишига мўлжаллаб экспорт имкониятлари кўргазмаларини тайёрламоқдалар.

Мажлисда шу нарса уқтирилдики, «Тошкент амалий учрашуви»нинг натижалари кўп жиҳатдан унинг ташкил этилишига, барча муассасаларининг аниқ ишлашига боғлиқдир. Шунга биноан тадбирлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, уларнинг бажарилиши учун масъул кишилар тайинланди.

Савдо-саноат доираларининг намояндалари Ўзбекистонга келганларида ўз мижозлари ва ҳамкорлари билан учрашибгина қолмай, шу билан бирга қадимий диёрда яшовчи халқларнинг тарихи ва маданияти билан ҳам танишишлари мумкинлиги равшан. Жумладан улар Самарқанд ва Бухорога борадилар, жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларини кўздан кечирадилар. Тажрибали ва ҳаваскор артистлар меҳмонларга ўз санъатларини намойиш қиладилар.

«Тошкент амалий учрашуви»ни ўтказувчи ташкилот комитетининг мажлисида жумҳуриятвазирликлари, идоралари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ.)

БУТУНИТТИФОҚ АНЖУМАНИ

Самарқандда тиббий ижмгоҳлар талабалари илмий тўгаракларининг қатнашчиларининг «Болалар жарроҳлиги ва реаниматология муаммолари» мавзуида Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди.

Анъанавий анжуманнинг бу галгиси қадимий ва навқирон шаҳарда ўтказилгани бежиз эмас. Боиси, Самарқанддаги болалар жарроҳлиги илмий-ўқув ва даволаш бирлашмаси Иттифоқда ягона муассаса ҳисобланади. Ҳозир бу ерда энг мураккаб операциялар ҳам бажарилмоқда.

Бирлашма қошида фаолият кўрсатаётган студентлар илмий тўгарагида 30 нафар йигит-қиз шуғулланмоқда. Улар Бутуниттифоқ конференцияларининг учтасида совринли ўринни эгаллашди. Бугунги кунда бирлашмада бўлим мудири бўлиб фаолият кўрсатаётган Ф. Раҳимов, аспирант Ш. Эргашев ва шифокор Ш. Юсуповлар мазкур тўгаракда тарбия олишган.

— Биз болалар танасига тиғ тегизмаслик тарафдоримиз, — дейди бирлашма раҳбари профессор А. Шамсиев. — Шу мақсадда вилоятдаги барча болалар уйларини оталиққа олганмиз. Уларни ҳар йили бир бор текширувдан ўтказиб, навбатсиз муолажа қиламиз. Бундан ташқари ўтган йили талабалар ёрдамида 60 минг ўқувчини кўрикдан ўтказдик. Болаларнинг 2 мингдан кўпроғида жарроҳлик аралашувига мойил хасталик борлиги аниқланди ва улар вақтида даволанди.

Талабаларнинг Бутуниттифоқ 32-конференциясини Самарқанд тиббиёт илмгоҳи ректори профессор Н. Камолов кириш сўзи билан очди. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар бош жарроҳи, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Э. Степанов, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Д. Қобулова, Самарқанд вилоят партия комитетининг котиби С. Нишонов йиғилганларни табрикладилар.

Йиғилишга йирик тиббий илмгоҳларнинг талабалари қатори уларнинг таниқли устозлари ҳам келишган эди. Самарқандлик шифокорлар, олимлар Ю. Исаков, С. Далецкий, Украинадан П. Согайло, Тожикистондан СССР медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. Пўлатов, олмаоталик К. Ормантоев ва бошқаларнинг тажриба ҳамда маслаҳатларидан баҳраманд бўлдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Форниш райони босмахонасининг ҳарф терувчиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳикоят Суннатова фидокорона меҳнати билан ҳамкасблари ҳурматини қозониб келаётир.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Вазирлар Маҳкамаси аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, вирусология муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш ва вирусга қарши дори-дармонлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарор қабул қилди.

Қарорда 1991 йилнинг 1 майдан ана шу тоифадаги ходимларни улар ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида СПИД касали юққан, шу муносабат билан ногирон бўлиб қолган ёки СПИДдан ўлган тақдирда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш назарда тутилади.

Қарорда юқорида айтиб ўтилган тоифадаги ходимлар Иттифоқ бюджетидан ана шу мақсадлар учун СССР вазирликлари ва маҳкамаларига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан суғурта қилдирилиши уқтирилади. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, вирусология муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, вирусга қарши дори-дармонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган муассасалар ва ташкилотлар бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланадилар. Шунга ўхшаш бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини уларнинг фаолиятини маблағ билан таъминлаётган вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан суғурта қилдирилиши, бундай маблағ бўлмаган тақдирда эса ўз маблағлари ҳисобидан суғурта қилдирилиши керак.

Суғурта тўловлари суғурта қилдирилган ҳар бир киши учун йилига 10 тийин ҳисобидан белгиланади. Бу пулларни вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар СССР Давлат суғурта бошқарувига 30 январдан кечикмай ўтказишлари керак. 1991 йил учун суғурта тўловлари 1991 йилнинг 1 июлигача ўтказилиши шарт.

Қарорда СССР Давлат суғурта бошқармаси суғурта қилинган ходим унга СПИД касаллиги юққанида 2 минг сўм миқдорида суғурта пули тўлаши назарда тутилади. СПИД касаллиги билан оғриш натижасида суғурта қилинган киши ногирон бўлиб қолганида 10 минг сўм олади, у СПИД касалидан вафот этган тақдирда унинг меросхўрларига 20 минг сўм пул тўланади.

СПИД касаллигига йўлиқиш натижасида суғурта қилинган киши ногирон деб топилиши ёки унинг СПИД хасталигидан ўлиши муносабати билан аввал тўланган суғурта пуллари чиқариб ташланиб, суғурта ҳақи тўланади.

Одам ана шу касалликка йўлиққанлиги, СПИДдан касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолганлиги ёки ундан ўлганлиги аниқланган кундан бошлаб уч йил мобайнида суғурта пулини тўлаш тўғрисида талаб қилиш мумкин.

ЖУМҲУРИЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Иқтисодиёт муассасаларининг барпо этилган ҳаддан ташқари катта тизмалари ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазиятга тезда ўз муносабатини билдиришга ва пухта иш олиб боришга қодир эмаслиги маълум бўлди. Пулнинг қадрсизланишини жиловлаш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бошқарувнинг давлат тузилмаларини ислоҳ қилиш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилишга доир асосланган таклифлар ва тавсиялар ҳанузгача ишлаб чиқилмаган, жумҳуриятлараро маҳсулот етказиб бериш барбод бўлган шароитда иш олиб боришнинг вариантлари йўқ. Бизга миллий валюта зарурми, деган масала ҳам қўйилди. Агар зарур бўлса — қандай босқичда, бундай валютани чиқаришнинг аниқ воситаси қандай бўлиши лозим? Агар зарур бўлмаса, бунинг сабаби нимада? Жумҳуриятга келтирилаётган хом ашё, материаллар, ёқилғи, техника ва халқ истеъмоли моллари хусусида бошқа минтақаларга камроқ қарамликка қандай эришиш мумкин? Қандай давлатлар билан давлатлараро иқтисодий муносабатлар ўрнатиш биз учун мақсадга мувофиқроқ? Республиканинг бутун илмий салоҳиятини ана шу ва бошқа саволларга қаратиш зарур.

Жумҳурият халқининг манфаатлари ва фаровонлигини қадрловчи ҳамма кишилар жипслашиб, ўз куч-ғайратларини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратишлари керак. Бу вазифаларнинг пировард мақсади чинакам иқтисодий мустақилликка эришишдир.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси умумий иқтисодий комплексига қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИЛМГОҲИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Бозор иқтисодиёти, биржалар,тижорат банкларини барпо этиш шароитида молия операциялари билан шуғулланувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Молия, банк, кредит муассасалари учун ана шундай мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент ҳисоб-кредит техникуми ҳамда Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳининг иккита факультети негизида янги ўқув юрти барпо этилмоқда.

Бу ерда:

Молия-кредит факультетида — «Молия ва кредит» ҳамда «Нарх белгилаш»;

Ҳисоб-кредит факультетида — «Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат этиш ва таҳлил қилиш» (кредит муассасаларида ҳисоблаш, тафтиш ва назорат мутахассислиги) касблари бўйича ходимлар тайёрланади.

Молия-кредит факультетини битирувчилар молия органларига, молия идоралари жамғарма ва кредит ресурсларини режалаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш, пул маблағлари сақланиши, улар тежаб-тергаб сарфланиши, нарх белгилаш устидан молиявий ва банк назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун молия идоларига, давлат суғуртаси тизимига, банкларга ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ишга юборилади.

Ҳисоб-кредит факультетини битирган мутахассислар молия ва банк ташкилотларига ҳамда муассасаларига, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ишга юборилади, улар маблағларни сарфлаш чоғида қонунларга риоя этилишини назорат қиладилар, маблағларни ҳисоблаш жараёнлари билан шуғулланадилар, ишлаб чиқаришга ҳуқуқий жиҳатдан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ экспертиза ва даъвогарлик ишларини амалга оширадилар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш этишни уюштирадилар ва ўтказадилар.

СССР Давлат банки Тошкент ҳисоб-кредит техникумининг 1991 йилда ўқувчиларни қабул қилиш режаси ва сиртқи бўлимда ўқувчилар СССР Давлат банкининг бундай ходимларни тайёрлаш учун барча шарт-шароит мавжуд бўлган Марғилон ҳисоб-кредит техникумига берилади. Тошкент ҳисоб-кредит техникуми кундузги бўлимининг охирги курсида ўқиётганларга молия ва банк ходимлари малакасини ошириш Бутуниттифоқ тармоқлараро илмгоҳининг Ўрта Осиё филиали базасида Тошкент шаҳрида ўқишни тугаллаш имконияти берилади.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти маҳкамасининг миллатлараро муносабатлар бўлимида талаба ёшлар ўртасида миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш, уларни байналмилал рухда тарбиялаш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.

Кенгашда республика Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ маорифи вазирликларининг раҳбарлари, Тошкент олий ўқув юртларининг ректорлари қатнашдилар.

Унда Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар илмгоҳининг иш тажрибаси кўриб чиқилди. Сўзга чиққан кишилар юқори малакали кадрларни тайёрлаш махсус билимлардан таълим беришдан ташқари, юксак байналмилал онгни, миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялашни ўз ичига олиши кераклигини таъкидладилар. Муаллимлар жамоаси талабалар билан ўқишдан ташқари олиб борадиган машғулотларни янги мазмун билан бойитишлари лозимлиги, якка тартибдаги ишларга кўпроқ эътибор берилиши зарурлиги таъкидланди.

Кенгашда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

УЗОҚ ЯҚИН БЎЛДИ

Йўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш мақсадида Амударёда Хўжайли — Нукус пристанларини боғловчи Хонқа кўприги қурилиши кўпчиликни мамнун этди.

Энди пиёда ва енгил машиналарнинг ҳаракати учун қарийб 13 километр йўл қисқарди. Одамлар Хўжайлига Тахиятош орқали эмас, тўғридан-тўғри Нукус орқали ўтиш имкониятига эга бўлишди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚУШИҚ ВА РАҚСЛАР КУРИГИ

Жиззах вилоятида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган халқ оғзаки ижоди ҳаваскорлик ансамбляриниинг кўриги ўтказилди.

Ўзига хос танловнинг якунловчи қисмида «Боғдон гуллари» жамоаси муваффақият қозонди. Кўрик ҳайъати ва томошабинларга «Боғдон гуллари» дастасидаги чолғу асбоблари ни форишлик ҳаваскорлар ясаб берганлиги манзур бўлди. Бадиий ҳаваскорлар «Бўшама», «Қилпиллама» каби халқ ялларини, миллий рақсларни маҳорат билан ижро этишди. Шунингдек, Жиззах ва Ғаллаорол ноҳияларининг бадиий ҳаваскорлари ҳам совриндорлар сафидан ўрин олишди. Мирзачўллик қозоқ фольклор ансамбли иштирокидаги «Тўй» театрлаштирилган томошалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

• *Жигаристон:*

АМАЛИЙ ЁРДАМ

● Андижон вилояти аҳолиси Ангрен яқинидаги Жигаристон манзилгоҳида юз берган табиий офат тўғрисидаги қайғули хабарни чуқур дард-алам билан кутиб олди.

Бадиий буюмлар фабрикаси, ип-газлама, пойабзал, трикотаж бирлашмалари, 2511-автожамланма ва вилоят марказидаги бошқа жамоалар меҳнаткашлари шошилинч равишда жабрдийдаларга ёрдам учун маблағ тўплай бошладилар. Жабрдийдаларга дори-дармон, бир марта ишлатиладиган шприцлар, кўрпалар, кийим-кечак, пойабзал, ун, гуруч, макарон ва бошқа бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди.

Андижон шаҳар партия комитетининг ҳамда Меҳрмурувват ва саломатлик фонди вилоят бўлимининг ташаббуси билан Тошкент вилоятида табиий офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш штаби тузилди. **Андижон уй-жой-ижтимоий банкида махсус ҳисоб варақаси очилди. Унинг рақами — 000704101.** Андижон вилоят меҳнат жамоалари ва Андижон вилояти аҳолиси ўзининг дилдан чиқариб бермоқчи бўлган хайр-эҳсонларини шу ҳисоб варақасига ўтказа бошлади.

Бир гуруҳ андижонликлар таъзия билдириш ва жойнинг ўзида жабрдийдаларга аниқ ёрдам уюштириш учун Тошкент вилоятига йўл олди. Гуруҳ таркибида партия, совет ва комсомол ходимлари, жамоат ташкилотларининг ва диндорларнинг вакиллари бор.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ИШТИЁҚ

● Инсон ўзи танлаган касбга болаликдан меҳр қўйсин экан. Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлими бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати М. Мирҳамзаевда темирйўлчи касбига бундан 30 йил илгари Қўқон болалар боғи темирйўлида йўл кўрсатувчи бўлиб ишлаган чоғидаёқ ҳавас уйғонганди. Бу иштиёқ уни Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига етаклади.

«Интилганга тола ёр» деганларидек, Мирмуҳсин ака интилди, изланди ва мақсадига эришди. Бугунги кунда у аҳил коллективнинг ишбилармон ва ташкилотчи раҳбари, ёшларнинг севимли мураббийси сифатида юрт хизмати йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Суратда: М. Мирҳамзаев шаҳардаги 2-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси, бўлғуси темирйўлчи Т. Содиқов билан бирга.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• Фармон ва унинг ижроси

ДЕҲҚОН ДАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Ўзбекистонда қишлоқда яшовчиларга томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қўшимча ер участкалари ажратиб бериш май ойининг биринчи ўн кунлигида тугалланиши лозим эди. Буни жумҳурият Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаб қилган эди.

Бу ғоят муҳим сиёсий қарордан мақсад қишлоқ меҳнатчиларининг иқтисодий аҳволини анча яхшилаш ва жумҳуриятдаги ижтимоий кескинликни пасайтириш эди.

ЎзТАГ мухбирлари Ғалаба куни арафасида бу қарорлар қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдилар.

АНДИЖОН:

ФАҚАТ ҲАР УЧ ОИЛАДАН ИККИТАСИ ЕР ОЛДИ

Андижон вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасида хурсандчилик авжида. Вилоятдаги районлар ҳукумат қарори бажарилгани ҳақида бирин-кетин рапорт бермоқда.

— Йил бошидан буён аҳолига салкам тўққиз минг гектар ер тақсимлаб берилди, — деди ЎзТАГ мухбирига вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси И. Қурбонов. — Жумладан, қирқ мингдан ортиқ ёш оилага ер ажратиб берилди.

Қарор қабул қилинган кундан буён биз якка тартибда уй қуриш ва томорқаларни кенгайтириш учун жамоа ва давлат хўжаликларидан 25,9 минг гектар ерни ажратиб олдик. Бу асосан илгари пахта ва бошқа экинлар етиштириб келинган серунум суғорма ерлардир.

Юзаки қараганда бу жуда салмоқли рақам, лекин андижонликларнинг хурсанд бўлишлари учун ҳали вақт эрта. Чунки рўйхатга олинган 282,5 минг оиланинг ҳар учтасидан фақат иккитаси қўшимча ер олди.

Ҳар бир хўжаликда, район ва шаҳарда меҳнат жамоалари ва маҳаллий Советларнинг махсус комиссиялари ҳозир ҳам ишлаб турганига қарамай, иш жуда секин кўчмоқда. Бу жуда жиддий масала, чунки деҳқонлар бу йил етиштиришлари мумкин бўлган турли экинларни экиш муддати ўтиб бораяпти.

ТАҲРИРИЯТДАН: кўриниб турибдики, Президентнинг Фармонида қўшимча ер ажратиб бериш 10 майгача тугаллансин, деб аниқ айтиб қўйилган бўлишига қарамай, Андижон вилоятида сусткашлик қилинмоқда. Бу ишда андижонликларга нима тўсқинлик қиляпти? Вилоятнинг бу иш учун масъул бўлган раҳбарларидан ана шу саволга жавоб кутамиз.

БУХОРО:

МУҲИМ ТАДБИР ТЎЛА БАЖАРИЛМАДИ

Деярли 220 минг оила қишлоқда қўшимча ер участкаси олди. Бунинг учун 34 минг гектардан ортиқ ер ажратилди. Шундай қилиб, 10 майга қадар топшириқ 94 фоиз бажарилди.

Бу муҳим тадбир нима учун белгиланган муддатда тўла бажарилмади?

Бухоро вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ер тузилиши масалалари давлат инспекциясининг бошлиғи Э. Шодиев бу саволга жавоб қайтаришга ўринди:

— Президент Фармонида қишлоқдаги оилаларга 0,25 гектаргача ер ажратиб бериш тавсия қилинган. Яъни маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олиниши керак. Худди шу масала жуда кўп келишмовчиликларга сабаб бўлди. Давлат ва жамоа хўжалигининг айрим раҳбарлари, қишлоқ Советларининг раислари бизда аҳоли зич жойлашган, ер кам деб туриб олдилар. Шу сабабли улар 0,15—0,20 гектардан ер ажратишди. Деҳқонлар эса хафа бўлишмоқда.

Қоракўл, Ромитан, Пешку районларининг чўл минтақаларида эса шу мақсадга бир гектаргача ер ажратишди. Бироқ хўжаликларнинг раҳбарлари нимаандир ишлаб чиқиб, маълумотномаларда ҳар оилага ажратилган ер участкасини 0,25 гектар қилиб кўрсатмоқдалар. Яқинда ўтказилган ҳар томонлама текшириш натижасида бу ҳол аниқланди.

Яна бир муаммо бор. Айрим хўжаликларда томорқа участкалари учун пахта далаларининг увотлари ва зовур бўйларидан фойдаланилмоқда. Бу жуда яхши иш — ҳар қарич ердан оқилона фойдаланмоқ керак. Лекин гап шундаки, ана шу участкалар маълумотномаларда шахсий фойдаланиш учун берилган ер сифатида кўрсатилмаяпти.

Қишлоқ аҳлига қўшимча ер участкалари ажратишнинг афзалликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўллиги ва нархи арзонлиги бу фикрни тасдиқлаб турибди. Икки-уч йилдан сўнг кўчатлар мевага киргач, дастурхонимиз тағин ҳам баракали бўлади.

ТАҲРИРИЯТДАН: бирорта фармон ёки бирорта қонун ҳам ҳаёт воқеликларини тўла-тўкис кўзда тута олмайди. Улар маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, фармон ва қонунларни ўйлаб бажарадиган кишиларга мўлжалланган. Хуллас аҳоли зич жойлашган минтақада чўпонлар ўнлаб қўйларини боқадиган чўлдагига нисбатан камроқ ер участкалари ажратилганлиги табиийдир. Қоракўлчилик — деҳқончилик эмас. Аммо Бухорода ҳукумат қарорини нима учун тўла-тўкис бажармаганликларини Э. Шодиевнинг жавобидан тушуна олмадик.

НАМАНҒАН:

ЕР ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛДИ. МУЛКЧИЛИКДАН ДАРАК ЙЎҚ

Биринчи Май байрами арафасида вилоятдаги деҳқончилик-саноат комплексида юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўрсатувчи рақам сифатида қуйидагилар келтириб ўтилди: фуқароларнинг шахсий томорқа участкалари учун ер ажратиб бериш белгиланган режанинг 90 фоизига етди. Май ойининг ўн куни давомида бу кўрсаткич атиги уч фоиз ошди. 63 мингдан ортиқ оила томорқа олди. Бунинг учун ажратилган ерларнинг умумий майдони 7045 гектарни ташкил этди. Ҳолбуки, 7600 гектар ер ажратиш кўзда тутилган эди.

— Қанчалик ғалати туюлмасин, лекин бу рақамлар маҳаллий Совет идораларининг сусткашлигидан далолат эмас, — деб шарҳлайди вилоят ижроия комитети деҳқончилик-саноат комплекси бўлимининг мудири Ҳ. Зоҳидов. — Гап шундаки, барча ариза берган кишилар талаби қондирилди. Янги Чортоқ районида белгиланганига нисбатан 88 фоиз, Янгиқўрғон районида 94 фоиз участка ажратилди. Бунинг сабаби — аризаларнинг йўқлигидир. Ариза тушган сайин ер ажратиб бериш давом этади, албатта.

Ҳозир бизни бошқа муаммо: ана шу ерлардан қандай самарали фойдаланилаётгани кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки бу ерлар хусусий кишилар қўлига ўтгунга қадар озми-кўпми даромад келтирар эди. Ҳозир биз ер участкаларининг эгаларига танлаб савол берямиз. Бу ишни Чортоқ районида тугалладик, Янгиқўрғон районида энди бошлаямиз.

Узил-кесил хулоса чиқаришга ҳали вақт эрта бўлса ҳам умумий муаммолар ҳозироқ кўзга ташланиб қолди. Чунончи, таассуф билан шуни айтамизки, одамларга ажратиб берилган ерлар жуда кам фойда келтирмоқда. Азалдан шахсий томорқа билан шуғулланиб келган кишилар бу ерлардан анча самарали фойдаланмоқдалар. Қишлоқ аҳлининг кўпчилиги эса ажратиб берилган ерларни қандай тасарруф этишни ҳатто тасаввур қила олмайдилар. Ер участкалари бекор ётибди ёки фақат маккажўхори экилган.

Шундай вазият ҳам учраяпти. Ер участкаси олган кишиларнинг бир қисми бу ерларни боғ қилишмоқчи. Фақат уч-тўрт йилдан кейингина дастлабки ҳосил олинади. Мева кўчатлари орасига эса ҳеч нарса экилмаган. Биз бундай ҳолларга тез-тез дуч келмоқдамиз: участка эгаларидан бири томорқасида ўн минг сўмга қадар даромад олишга муваффақ бўлди, қўшниси эса зўрға 500 сўмлик маҳсулот сотди.

ТАҲРИРИЯТДАН: наманганлик мухбиримиз ўртага қўйган муаммони жумҳуриятнинг бошқа вилоятларида ҳам учратиш мумкин. Ерни ажратиб, унинг умрини бекор ўтказишдан нима фойда? Биз суғориладиган минглаб гектар унумдор ерларни «дам олдириб» қўйдиган даражада бой-бадавлат эмасмиз. Бундай хўжасизликнинг олдини оладиган воситаларни кўзда тутиш зарурга ўхшайди.

Иккинчидан, кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, деҳқонларни уруғлик билан таъминлаш керак. Умуман деҳқонларга оғизда эмас, балки амалда ёрдам бериш лозим.

Қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер ажратиб берилгач, биз дуч келган яна бир муаммо ҳақида Қашқадарё вилоятидаги мухбиримиз ҳикоя қилади.

ҚАРШИ:

ИШ БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИГА ҚАРАБ ҚОЛМОҚДА

Нишон районидаги «Пахтаобод» давлат хўжалиги ижарачи пахтачилик жамоасининг бригадири Р. Тошболтаев деярли ярим йил ичида ўзига уй қуриб олди.

— Ҳамқишлоқлар ёрдам беришди, — дейди у. — Ҳашар қилиб пойдевор ётқиздик, деворларни тикладик.

Давлат хўжалигининг марказий қўрғони қадимий тарихга эга. Лекин бу ерда ҳеч қачон қурилиш ҳозиргидек кўп бўлмаган эди. 350 оила — хоҳлаганларнинг ҳаммаси ер участкаси олди. Хуллас, ҳамма мамнун. Айниқса, ёш келин-куёвлар мамнун бўлишяпти. Улар қишлоқ Советида имтиёзли шартлар билан қарз олишлари мумкин.

Бироқ қувончли тахминларга вақт эрта. Ўша Р. Тошболтаевнинг ўзи кези келганда хўжалик ва қишлоқ Совети раҳбарлари шаънига аччиқ гапларни айтиши мумкин. Ахир, уйни пишиқ ғиштдан қурмоқчи эди, ложи бўлмади. Бинокорлик материалларини қаердан олсин? Тахта, ромлар ва бошқа дурадгорлик буюмлари учун, ҳатто тўсинлар учун ортиқча ҳақ тўлашга мажбур. Тўғри, шифер топишда омади келиб қолди, маҳаллий ҳокимият идоралари ёрдам беришди.

— Ҳамма шахсий хўжаликларнинг эгалари худди шундай қийинчиликка дуч келмоқда, — деди шахсий ёрдамчи хўжаликлар вилоят уюшмасининг раиси Ф. Ҳафизов. — Шу сабабли одамларнинг тез орада янги уйларга кўчиб ўтиш умиди сўнмоқда.

Бу аҳволдан қандай чиқиш мумкин?

Ф. Ҳафизов вазиятни баҳолаб, ўз бинокорлик индустриямизнинг базасини ривожлантириш лозимлигини таъкидлайди. Таклид қилса арзигулик намуналар бор. Чироқчи районида ғишт заводи иш бошлади. Қарши районидаги «Ленин йўли» давлат хўжалигида сирғалувчан қолиплар ёрдамида тез, кор усулда уй қуришни ўрганиб олишди. Шу хўжаликда ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти. Шаҳар яқинидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида ҳам ғишт ишлаб чиқарадиган цех ишлай бошлади. Қарши районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик пунктида ўз эҳтиёжлари учун оҳак тайёрлашни ўрганиб олишди.

Қарши райони раҳбарлари барча хўжаликларда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлишяпти. Ёғоч-тахта билан боғлиқ энг ўткир масала ҳал қилиняпти. Шу йилдан бошлаб Иркутскдан ёғоч-тахта келтирилади.

Бироқ ҳамма жойда ҳам ер участкаларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Маҳаллий ҳокимият идоралари бундай ҳолларга нисбатан талабчанроқ бўлишлари, қишлоқда ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларни тезда ҳал этишлари керак. Одамлар томорқа участкаларига сармоя сарф лашдан қўрқмайдилар. Иш фақат бинокорлик материалларига қараб қолмоқда.

Текширишда ЎзТАГ мухбирларидан К. НИЗОМОВ, И. САФАРОВ, В. ШУМАЙЛОВ, Н. ХУЖАЕВА қатнашдилар. Телетайп олдида Ю. БОНДАРЕНКО навбатчилик қилди.

● Наманган районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосига алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда бу ерда майда корхона ва цехлар, фабрика филиаллари ишга туширилмоқда.

Яқинда хўжаликнинг Муллакудинг қишлоғида шолча тўқиш цехи очилиб, 20 нафар қишлоқ аёллари иш билан таъминланди. Ҳозир улар цехда ўрнатилган бир неча дастгоҳлар ёрдамида кунига 20 метрдан знёд маҳсулот тўқиб, истеъмолчиларга сотишяпти.

Суратда: цех ишчилари (чапдан) М. Тошматова, Г. Исомиддинова, К. Баннoева ва Г. Абдувалиевалар иш устида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ФУТБОЛ:

ҲИСОБ 2:0

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги бош ўйингоҳга мухлислар турли фикр-ўйлар билан келишди: майдон эгаси — «Пахтакор» бу сафар ғалаба қозонармикан, очколар сонини оширармикан? Мамлакатнинг 13 карра чемпиони — Киев динамочилари билан беллашувда қандай натижа қайд этиларкин?

Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ пахтакорчилар ташаббусни ўз қўлларига олишди. Ҳужумкорлик 15-дақиқада ўз самарасини кўрсатди. Ярим ҳимоячи М. Қосимов Ю. Кутепов қўриқлаётган дарвозани аниқ мўлжалга олди. Орадан беш минут ўтар-ўтмас, ишқибозларнинг олқиши стадион узра янгради. И. Шквирин ҳисобни 2:0 та етказди.

Иккинчи бўлимда пахтакорчилар асосан ҳимояда, динамочилар эса ҳужумда бўлишди. Ҳисоб ўзгариши мумкин эди. Лекин И. Шквирин 11 метрли жарима тўпини дарвозага кирита олмади.

Пахтакорчилар қимматли икки очкони қўлга киритишди. Улар навбатдаги турда Владикавказнинг «Спартак» жамоасини қабул қилишади.

СУНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Брест ҲИМОЯЧИСИ

Шофирконлик гвардия кичик лейтенанти Абдумалик Ҳакимов Ғалаба кунини Таллинн яқинидаги қишлоқларнинг бирида нишонлади.

Ўшандан буён отахон ҳар йили 4-армия уруш ветеранлари кенгашидан 9 Май байрамини Москвада нишонлаш тўғрисида таклифнома олади. Шундай таклифнома унга Брест қаҳрамон қалъаси меъморнал комплекси ходимлари томонидан ҳам келади.

Зероки, Абдумалик ака Улуғ Ватан уруши бошланганда Брест гарнизонида хизмат қиларди.

1940 йилнинг кузида педагогика билим юртини тугатган ёш ўқитувчи ҳарбий хизматга чақирилди. Кўп ўтмай қўмондонлик уни Брест шаҳридаги Қизил Армия учун кичик сиёсий ходимлар тайёрловчи билим юртига ўқишга юборди. Аммо у билим юртини тугатмасдан фашистлар мамлакатимизга ҳужум қилдилар.

«Тревога» хитобидан ёққа турган курсантлар ҳатто қурол-яроққа ҳам эга бўлмай, чекиниш тўғрисида буйруқ олишди. Шундан кейин ўзбек жангчиси Ғарбий фронт штабини муҳофаза этиш полкига хизматга тайинланди. Унга шу ерда партия билети топширилди.

1943 йилнинг майида Абдумалик ака ўз аризасига биноан ўша маҳалда Саратов яқинига кўчган Қизил байроқли Киев артиллерия билим юртига ўқишга юборилди. Уни аъло баҳолар билан тугатгач, яна ҳаракатдаги армияга йўлланма олди.

Урушни Болтиқбўйи фронтида якунлади. Она-Ватан унинг жанговар хизматларини муносиб тақдирлади. Унинг кўксини безаб турган орден ва медаллар коммунист жангчи жасоратининг нишонасидир.

Абдумалик ака урушдан кейин КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабида таҳсил кўрди. Кўп йиллар вилоят, шаҳар қўмиталари, совет ва хўжалик ташкилотларида самарали фаолият кўрсатди. Унинг меҳнати давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Отахон пенсияга чиққан бўлса ҳам тиним билмайди. Урта ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида бўлган учрашувларда кўрган-кечирганлари тўғрисида қаяжон билан сўзлаб беради. Уруш ва меҳнат ветеранлари вилоят кенгашининг аъзоси сифатида катта ташкилотчилик ишини олиб боради.

Н. НАИМОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Мерос

АҲМАД ФАРҒОНИЙ

Фарғона ҳақидаги маълумотлар эрамиздан аввалги II—III асрларга тақалади. У даврларда Фарғона водийси «Давана» деб аталган экан. VII асрга мансуб сўғд ёзувларидан маълумки, ҳозирги «Фарғона» сўзи «Парғона» «Прағона» каби ўқилган. Бу сўз ҳинд-санскрит тилида кичик вилоят, форсчада тоғ оралиғидаги водий маъносида ишлатилган.

Янги эрадан аввалги II асрда Фарғона ва унинг атрофида буғдой, шоли, йўнғичқа, пахта экилган. Хитой тарихчиларининг маълумотига кўра, Чжан-Цянь бошлиқ хитойлик бир гуруҳ кишилар эрамиздан аввалги 128-йилдаёқ Фарғона, Сўғдиёна, Бақтрияга келишган. Чжан-Цянь Хитой императорига шундай маълумотлар берган: «Даваналиклар (яъни фарғоналиклар) ўтроқ ҳаёт кечиришади, деҳқончилик билан шуғулланишади, шоли ва буғдой экишади. Уларда мусаллас бор. Арғумоқлар кўп. Шаҳарлар ва водийлар бор. Даванада (Фарғонада) 70 тагача катта-кичик шаҳарлар бор, аҳолиси бир неча юз мингга боради», хитойликлар ўз юртларига Фарғонадан ток, йўнғичқа олиб кетишади. Чжан-Цянгинг маълумотига кўра, хитойликлар ойна ишлаш техникасини фарғоналиклардан ўрганганлар. Хитойликлар Фарғонада ток ўстириш, мусаллас тайёрлаш билан яқиндан танишганлар. V асрга келиб, рангдор ойналар Ўрта Осиёдан Хитойга юборилиб турилади. Археологик қазилмалар шундан далолат берадики, Фарғона вилоятида бронзадан ишланган болта ва ҳар хил зеб-зийнат буюмлар топилган. Катта Фарғона каналини қазишда бронза қозон чиққан: унинг учта оёғи, тўртта қулоғи бўлган, қозоннинг ён томонларига тўртта тоғ эчкиси тасвири ўйилган. Олимларнинг фикрича, бу қозон эрамиздан аввалги V асрда ишланган.

Фарғонадаги нефть конлари ҳақида қомусий даҳо Беруний ўз асарларида маълумот берган.

IX аср географи Ал-Истахрийнинг ёзишича, «Фарғона кенг ер, унга қарашли шаҳар ва қишлоқлари ҳам катта, унинг йирик шаҳари Ахсикатдир. Мовароуннаҳрда қишлоқларнинг кўплиги жиҳатидан Фарғонадек музофот йўқ. Аҳолисининг кўплиги, экинзорларининг кенглиги ва чорвасининг тарқалиб кетганлиги учун ҳам ҳар бир хонадондан биттадан кишини кўчирган, шу муносабат билан Фарғона номи «Аз-ҳархона» («ҳар бир хонадондан») деб аталиб келинган.

Фарғона доврўғини 1200 йилдан бери жаҳонга ёйиб келаётган унинг фарзандларидан бири киндик қони Фарғонада тўкилган аллома Аҳмад Фарғонийдир...

XVIII аср Петербург астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари Жозеф-Никола Делил ҳисобланади. Пётр I уни Париждан чақиртирган. Пётр I нинг ўзи бу илмий мактабнинг тадқиқот дастурини тасдиқлаган. Унда Европа астрономлари билан бир қаторда Шарқ олимларининг ҳам асарларини ўрганиш айтилган. Ана шу асарлар рўйхатида Фарғонийнинг «Астрономия негизлари» китоби ҳам бор эди... Аҳмад Фарғоний ҳаёти ҳақида ҳам маълумотга эгамиз. Баъзи манбаларда унинг 861-йилда вафот этиши айтилади. Академик И. Крачковскийнинг ёзишича, ал-Фарғоний ҳақидаги маълумотлар чалкашдир: вафот этган йили номаълум бўлишидан ташқари Қоҳира яқинидаги машҳур нилометрни ясаган олим бир кишими ёки икки кишими эканлиги ҳам номаълум. Лекин шубҳа шуки, у IX асрнинг биринчи ярмида яшаган ва унинг исми охирги марта ҳижрий 247, милодий 861 йили эслатилади: Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, ал-Марвазий, Ёқуб ал-Киноий, Яҳё ибн Абу Мансур каби олимлар билан ишлади».

Машҳур олимлар даврасида бўлиш, илмий муҳит, бой кутубхона Фарғоний қобилиятини, иқтидори қирраларини чархлади, уларга жило берди.

Аҳмад Фарғоний араб илмий атамашунослигининг пайдо бўлиш ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бағдод ва Дамашқ расадхоналарининг қурилишида қатнашди. Птолемей «Юлдузлар жадвали»даги маълумотларни текширишда иштирок этди. Фарғоний Бағдод расадхонасида астрономик кузатув ишларини олиб борди, кўплгина кашфиётлар қилди. Хусусан, 812-йилги Қуёш тутилишини олдиндан билди. Ернинг шар шаклида эканлигини қатъий илмий далиллар билан исботлади. Кейинроқ Миерда яшаганида Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб ҳам ясаган, бу асбоб туташ идишлар қоидасига асосланган, ҳанузгача сақланади.

Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб»и унинг асосий астрономик асаридир. Бу асар «Астрономия негизлари» деб ҳам юритилади. Бу китобда Фарғоний ўз давридаги астрономияга оид билимларни тартибга солди, ўзининг янги натижалари билан бойитди, астрономик асбоблар, Қуёш соатларининг баёнини берди. Уша даврдаги анъанасига мувофиқ, мамлакатларни етти иқлимга бўлиб ўрганди, жойларнинг географик координатларини шарқдан ғарбга йўналишда берди. Бу асар астрономия бўйича араб тилида ёзилган дастлабки рисолалардан ҳисобланади. Астрономияга оид билимлар қомуси бўлмиш бу асар Европада Коперниккача бўлган астрономиядан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди, кейинги даврдаги олимларига катта таъсир ўтказди.

Аҳмад Фарғоний бажарган ҳисоб-китоб ишлари — ҳоҳ у риёзиёту астрономияга, ҳоҳ у — географияга тааллуқли бўлсин ниҳоятда пишиқ-пухта, тўғри, мукаммал бўларди, уларни иккинчи марта текшириб ўтиришга ҳожат қолмас эди. Мунажжим олимларнинг бир неча авлоди Аҳмад Фарғоний асарларини ўқиб олим бўлишди. Европанинг йирик алломалари Фарғоний фаолияти ҳақида маърузалар ўқидилар. Хусусан, машҳур математик ва астроном Региомонтан 1464 йилда Падуеда Фарғонийнинг астрономик ишлари ҳақида лекция ўқиган, Фарғонийнинг асарларига Беруний, Улуғбеклар мурожаат қилишган, улардан ўз фаолиятида фойдаланишган.

Фарғонийнинг «Астрономия негизлари» китоби 1145 ва 1175 йилларда лотин тилига, кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилинди. Кўп марта нашр этилди. Хусусан асарнинг 1493 йилги Италиянинг Феррара шаҳрида чоп этилган лотин таржимаси босма усулда чиқарилган биринчи китоблардан ҳисобланади. Фарғоний ал-Хоразмий «Зижи»га шарҳлар ёзган.

Фарғоний қаламига мансуб яна бир асар — «Астурлаб» тузилиши ҳақидаги китоб»дир. Унда стереографик проекцияларга оид теоремаларнинг исботи берилган. Бу исботлар теоремаларнинг бизгача етиб келган биринчи исботларидир. Астрономик асбобсозликнинг вужудга келиши Фарғоний номи билан ҳам боғлиқ.

Олимнинг асарлари Берлин, Париж, Лондон, Қоҳира кутубхоналарида сақланмоқда.

ЮНЕСКО 1987 йилда Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонлашни режалаштирганди. Унинг асарларини ўзбек ва рус тилларига ағдариш, Фарғонада ҳайкал ўрнатиш ҳақида гаплар бўлаётган эди, аммо булар амалга ошмади. Фарғоний номи метро бекатларига, илм даргоҳларига, кўча ва майдонлар, мактабларга ярашиқли ва арзигулик ном. Бу ном Шарқ ва Ғарбнинг олимлари орасида доимо иззат ва ҳурматда бўлиб келган...

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

ОБ – ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига қараганда, шу ҳафтанинг кўп кунлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудида об-ҳаво беқарор бўлиб туради, жала қуяди, момоқалдироқ чақнаганида ғарбдан секундига 20 метр тезликда шамол эсади. Фақат ҳафтанинг боши ва охирида жумҳуриятнинг марказий масканларида ёмғир тўхташи мумкин. Шимолий масканларда ҳафтанинг ўртасида ёмғир ёғади. Кечаси 9—11, шимолий масканларда 6—11, шундан кейин кунлар юмшаган пайтда кундузи 15—20, айрим жойларда 26—30 даража иссиқ бўлади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш институти мутахассисларининг фикрига кўра, об-ҳаво кескин ўзгариб турадиган бундай пайтда юрак, томир хасталиги, бош мия шамоллаши, бўғинлар оғриғи, нафасўпка аъзолари хасталигига чалинган бемор кишилар ўзларини нохуш сезадилар. Бунинг учун бемор кишиларнинг қон босимини вақтида ўлчаб, уни маромлаштирадиган дори-дармонлар бериш маслаҳат берилади. Шунингдек, бемор кишиларни ҳарорати мўътадил ҳаволи хоналарда парваришлаш, ҳаво очилиб кунлар юмшаганда соя-салқин жойларда ором олиш иложи бўлса, чиниқтириш машқларини давом эттириш ўринлидир.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«САМАРҚАНДФИЛЬМ» ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ

«ТЕМУРЛАНГ»

КЎП СЕРИЯЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМДА БОШ ҚАҲРАМОН АМИР ТЕМУР РОЛИНИ БАЖАРИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фильмда Темурнинг болалик чоғларидан бошлаб то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўлган узоқ ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Темур ролини турли ёшдаги кишилар ижро этади: болалик даврини 12 ёшли болалар, ёшлик даврини 20—30 ёшли йигитлар ва етук саркардалик йилларини 50—60 ёшдаги кишилар ўйнайди.

Амир Темур ролини бажаришга даъвогарлар танлови 1991 йилнинг 15 майигача шанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 18 гача Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Асосий қурилиш» павильонида ўтказилади.

Танловда касбий артистлар ҳам, шунингдек махсус актёрлик маълумотига эга бўлмаган кишилар ҳам қатнашишлари мумкин.

Сиз корхонангизнинг молиявий томондан барқарорлигига ишончингиз комил, лекин шундай бўлса ҳам...

БАНКДАН КРЕДИТ ОЛГАЧ, — ҚАРЗДОРНИНГ КРЕДИТЛАРНИ УЗМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИНИ ИХТИЕРИЙ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ

ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИБ ҚЎЙИНГ!

БУНДАЙ ШАРТНОМА ТУФАЙЛИ СИЗ ТЎЛОВ МУДДАТИ ТУГАГАНДАН КЕЙИНГИ 20 КУН ДАВОМИДА ЗАРУР МИҚДОРДАГИ ПУЛНИ ТЎЛАЙ ОЛМАГАН ТАҚДИРДА ҚАРЗИНГИЗНИНГ 50 ФОИЗИДАН 90 ФОИЗИГАЧА ТЎЛАНИШИ КАФОЛАТИГА ЭГА БУЛАСИЗ.

Суғурта шартномаси кредит шартномаси даври учун ҳақиқий ҳисобланади.

Суғурта тўловлари — суғурта пулининг 1,8 фоизидан 3,5 фоизигача бўлади.

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИНГ ИСТАЛГАН НОЗИРЛИГИДА БУ ҲАҚДА БАТАФСИЛРОҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ.

МУШТАРИЙ:

...ХАБАР ҚИЛАДИ

ОЛИМ НОМИ БЕРИЛДИ

Ўз илмий ишлари билан жаҳонга танилган машҳур математик олим, ЎзФА академиги Саъди Ҳасанович Сирожиддинов маорифчиларнинг, мактаб муаллимларининг энг яқин дўсти, маслаҳатгўйи ҳам эди. Яқинда Хонқа ноҳиясидаги 16-мактабга устоз аллома С. Ҳ. Сирожиддинов номи берилди.

— Домла муборак номининг мактабларга берилиши, унинг номидаги стипендиялар таъсис этилиши табиий. Зеро, устоднинг маорифга ҳам, олий таълимга ҳам жуда кўп меҳнатлари сингган, — дейди мактаб директори Қўзиевой Сафаров. — Ўзим Тошкент дорилфунунининг риёзиёт куллиётини тугатганман, домланинг илм-фанга, маорифга фидойиликларидан ҳайратга тушганман. Домла Хоразмда бўлганларида мактабларга албатта кирардилар. Муаллимлар, ўқувчиларга қизиқ-қизиқ масалалар, икки оғиз бўлса-да, илиқ сўз айтмай, йўл-йўриқ бермай қайтмасдилар. Мактаб риёзиёт хонасида домланинг қизғин илмий, педагогик, жамоатчилик фаолиятига бағишланган стендлар бўлади. Мактабимиз жамоаси устод Сирожиддинов номига муносиб бўлишга, унинг ишига содиқ қолишга ҳаракат қилади.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,

...МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

КУТУБХОНАГА РЕЖА КЕРАКМИ?

Фарғона ноҳиясининг марказий кутубхонасига қарашли 43-шахобчада 15 йилдан буён мудира бўлиб ишлайман. Кутубхонамиз 1200 нафар ўқувчига хизмат қилади.

Афсуски, тобора китобхонларимиз сони камайиб кетяпти. Ўқувчиларнинг кутубхоналарга ташриф буюрмаслигига аввало, ўтмиш тарихимизни яхши билмаслигимиз, тарихий асарларга қизиқмаслигимиз, шу куннинг нафасига йўғрилган бадиий адабиётларнинг камлиги сабаб бўлаётир.

Бундай салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадида оилавий китобхонларни кўпроқ кутубхонамизга жалб этмоқдамиз. Айрим оилаларга китоб олиб борсангиз вақти йўқлигини, турмуш қийинчиликларидан ортиб китоб ўқишга вақт тополмасликларини айтадилар. Тўғри, бу ўринда аёлларимиз эътиборларига қўшилмай иложимиз йўқ. Гоҳида эса «майли, имзо чекиб бераман, лекин китоб ўқишга унчалик қизиқмайман» деган жавобларни эшитишга тўғри келади. Биз шундай ўқувчиларни ҳам «китобсевар» деб ҳисоблашга мажбурмиз. Чунки кутубхоналарга ҳам режа белгиланган. Бу билан оммани бадиий адабиётга, маърифатга тортиб бўлмайди.

Кутубхонага режа керакмикан?

С. РЎЗИБОЕВА,
Фарғона вилояти.

...МУАММО ҚЎЯДИ

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

Ўз она тилини билмаган халқни маънавий қашшоқликка маҳкум дейиш мумкин. Вилоятимизда эса турли миллат фарзандларига ўз она тилларида таълим-тарбия бериш учун миллий тилдаги мактаблар ва муаллимлар кам.

Шундай экан энг аввало, ўрта мактабларда миллий тилни ўргатувчи бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида аҳоли зич жойлашган Пахтакор ноҳиясида «Дўстлик» номли педагогика билим юрти очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билим юрти қозоқ, қирғиз, тожик ва бошқа тилларидаги миллий кадрлар тайёрланишига ҳисса қўшарди.

Ш. ТОЖИҚУЛОВ,
Жиззах вилояти, Пахтакор ноҳия, А. Икромов номли давлат хўжалиги.

* * *

Шунингдек, муштарийларимиздан М. Тўхтаев, У. Тожиев, Ж. Паганов, А. Ғофуров, Т. Пирназаров, Қ. Бўтаев, А. Иброҳимов, Д. Бекболтаева, О. Холиқов, У. Сафаров, С. Ҳожиев, А. Ҳайитов, Ҳ. Жабборов, Р. Аҳадова, Э. Асабоев, А. Ажабов, Т. Ҳошимов, Д. Қутлимуродова, Н. Мамажонова, М. Аҳмедов, М. Ғаниев, Қ. Ҳошимов, Ҳ. Жовлиев, З. Усмонов, А. Липатов, Н. Тагановлар, М. Цирюльников, Д. Ўринбосаров, Р. Иноятов, И. Бобоев, Т. Жўраев, Қ. Қувондиқов, Ш. Бағаутдинов, Д. Абдуллаев, А. Акрамов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

МИННАТДОРЧИЛИК

Ўтган шанба куни «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ижодий жамоаси ўзининг анъанавий май сайлини ўтказди.

Рўзнома муҳарририяти байрамни мазмунли, завқли ўтказишда беминнат ёрдам берганликлари учун, энг аввало, Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига, шунингдек, Тошкент райони партия, совет, жамоат ташкилотларига, «Баҳор» ва «Октябрь» ресторанлари ошпазларига, халқнинг севимли ҳофизлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ориф Алимаҳсумов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов, жумҳурият радиосининг созанда хонандалари — Озода Назарова, Холмурод Зарипов, Носир Алимаҳсумовларга самимий миннатдорчилик билдиради.

● «Ойбарчин» чойхонаси Ангор райони марказида қад ростлаган. Уни Карл Маркс номли хўжалик бинокорлари қуришди.

А. ЗУФАРОВ олган сурат.

Фанимиз заҳматкашлари

УМР МАЗМУНИ

Умрни оқар сувга ўхшатишади. Ҳақ гап. Бўлмаса Фотиҳ Абдумаликович ортига бир ўгирилиб қарагунча олтмиш ёшни қоралаб қўярмиди. Лекин ортда қолган йиллар беҳуда ўтмаганини ўйласа енгил тин олади. Унинг наздида эл қатори яшади, эл қатори ишлади. Эрталаб мана шу йўлдан юриб, автобусга ўтиради. Қайтишда ҳам шу автобус, шу йўл. Бу йўл олимнинг илм-фанда мисқоллаб тўплаган муваффақиятлари-ю чеккан заҳмати, ташвишларига гувоҳ. Бу йўлдан ўнлаб дўстлари, шогирдлари география фанлари номзоди, кейинчалик фан доктори илмий даражасини ёқлаганда унинг хонадонига ташриф буюришган. Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорология илмгоҳи бўлимини бошқариб Иттифоқ ва чет эл мутахассислари эътиборига тушганда ҳам Ф. Мўминов ўз шогирдларига камтарлик, камсуқумликдан дарс берарди. У одамийлик фазилатларини бошқаларга сингдиришдан олдин ўзи уларга амал қилишни одат этганди. Шу боис Х. Абдуллаев, В. Усмонов, Н. Коновалова, О. Бабушкин, А. Костенко, П. Ан, А. Ричко каби пешқадам шогирдлари устоз йўлидан бориб, айни пайтда ёш олимларга мураббийлик қилишмоқда.

Гидрометеорология соҳасида Ф. Мўминов илмий кузатишларини 125 дан зиёд рисола ва 4 та монографияга жамлаганида мана шу йўл унинг хонадонига ўнлаб билимдонлар тўпланиб ўзаро тажриба алмашганининг шоҳиди бўлган. Улар орасида Бирлашган Араб Жумҳурияти, Сомали, Вьетнам, Афғонистон, Монголия, Бангладеш, Хитой ва Кореядан келган мутахассислар борлиги Фотиҳ аканинг хориждаги ҳурмат ва эътиборини белгилаб берса керак. Билимга ташна толиби илмлар унинг уйига ташриф буюраверишдан тортинишмайди. Чунки, уларнинг устозлари фанга ўзини бағишлаганлар феълидаги тортинчоқлик, иккиланишларни ёмон кўради.

Олимнинг қуёшнинг сахий ёғдусидан тўлароқ фойдаланиш учун «тупроқ — ўсимлик — атмосфера» системасидаги биологик-физик жараёнларни ўрганишга қўшган ҳиссаси баракали бўлганини бу соҳа жонкуярлари яхши билишади. Жумладан, у қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолатини, ўсиш, ривожланишини гидрометеорология маълумоти асосида баҳолаш ва ҳосилдорлигини олдиндан айтиб бериш услубини яратди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалик муассасалари ва раҳбар органларини гидрометеорологик маълумотлар, тавсияномалар, йилномалар билан таъминлаш каби муҳим муаммоларни ҳал этишда бош-қош бўлди. Пахта ҳосилдорлигини олдиндан айтиб бериш услуби негизида эса унинг биологик хусусияти, ҳар бир вилоят, ноҳияга тегишли бўлган агротехник тадбирлар ва ноҳияларнинг об-ҳаво шароитлари эътиборга олинади. Шу омиллар узвий боғланиши қонуниятларини ўрганишда математик-статистик услубларни қўллаш йўли билан пахта ҳосилдорлигининг узоқ муддатли башорати ишлаб чиқилган. Ана шу услуб асосида биринчи башорат май ойининг бошларида, кейингилари июль ва сентябрнинг биринчи беш кунлигида берилади. Бундай башорат қишлоқ хўжалик муассасалари ва раҳбар органлари учун ишни режалаштиришда катта аҳамиятга моликдир. У фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кўнгилдагидек йўлга қўйиш мақсадида қир-яйловларда чўпончўлиқлар, тоғу адирларда қишлоқ хўжалиги ходимлари, олий билимгоҳларда талаба-ю муаллимлар билан тез-тез учрашиб туради. Илмий баҳслар узоқ давом этади. Кўпинча анча кеч ўша ўзига қадрдон бўлиб қолган йўл орқали уйига қайтганда фарзандлари бир уйқуни олишган бўлади. У дам олишга шошилмайди. Ишлар кўп, вақт кутиб турмайди. Умр эса оқар сувдай ўтиб боряпти. Унинг зарварақларини мазмунли қилиш учун ишлаш керак. Шу зайл профессорнинг деразасидан тонг отгунча чироқ шуъласи ўчмайди. Унинг фаол изланишлари туфайли Ўрта Осиёда «Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилининг шаклланишини гидрометеорологик асослари» муаммоси бўйича илмий мактаб яратилган. У Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ)нинг қишлоқ хўжалиги метеорологияси бўйича Минтақа Ассоциацияси ишчи гуруҳида фаол иштирок этиб келади. 1988 йили Пекинда бўлиб ўтган мазкур Ассоциация сессиясида эса учинчи маротаба ишчи гуруҳининг раиси этиб сайланди.

Ф. Мўминов катта илмий тадқиқот ишлари қатори жамоат ишларида фаол қатнашади. У Иттифоқдаги «Гидрометеоиздат» таҳририяти ва агрометеорология муаммоси бўйича кенгаш аъзоси, Бутуниттифоқ пахтачилик қомусининг илмий маслаҳатчиси. Ҳукуматимиз унинг камтарин меҳнатини қатор орден ва медаллар билан тақдирлаган.

Иқтидорли олимнинг илмий йўли, айниқса ёш олимларга ибратлидир. Заҳматкаш инсон, устоз ва меҳрибон мураббийга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

...Мана, бугун ҳам Фотиҳ ака эрта билан ишга отланди. Йўлда ҳар куни учратадиган одамлари. Чунки катта шаҳар ҳаёти уларни режа билан туришга, юришга, яшашга мажбур этган. Ишхонасига етиб келиши биланоқ олим Ўзбекистон Об-ҳаво маркази ходимларининг илтимосига биноан пахтанинг бу йилги ҳосили башоратига тегишли масалани ҳал қилишга киришиб кетди.

Аъло АБДУЛЛАЕВ,
Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорология илмгоҳининг катта илмий ходими, география фанлари номзоди.

ТАСЗИНОТЧИСИ Аваз Шарипов номига берилган 437, 438, 439-сонли йўқолган ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1991 ЙИЛ 1 ИЮНДАН

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг СИНОВ-ТАЖРИБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар — 1991 йил 19 майгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 104-алоқа бўлими, Бектемир райони, Лихачев кўчаси, 87-уй.

●

Й. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

«Пахта ва кимёвий толаларни йигириш», «Ипак технологияси», «Тўқувчилик» мутахассисликлари бўйича 1961 йилда олий билимгоҳни тамомлаганлар билан УЧРАШУВ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА

Учрашув 1991 йил 18 май соат 10.00 да тегишли мутахассислик кафедраларида соат 11.00 да эса олий билимгоҳ мажлислар залида ўтказилади.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ 1991 ИЙЛ 16—17 МАЙ СОАТ 15.00 ДА

ректоратнинг мажлислар залида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ УТКАЗАДИ

Манзилимиз: С. Раҳимов район, Шифокорлар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 2-уй. Бош ўқув биноси 4-қават. (10, 28, 34, 82, 100-автобуслар ва 16-трамвайнинг «Шифокорлар шаҳарчаси» ва «2-ТошДавТО» бекатлари).

* * *

Сув хўжалиги қурилиши учун материаллар ва конструкциялар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган «Узводконструкция» бирлашмаси томонидан Наманган вилоятидаги Жийдакапа темирбетон заводининг муҳандис-таъминотчиси Аваз Шарипов номига берилган 437, 438, 439-сонли йўқолган ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон жумҳурияти маънавий маданият тарғибот маркази маъмурияти, партия ва касаба ташкилотлари марказ директори М. Қ. Нурхоновга акаси

Мирҳомид Қосимович НУРХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги ходимлари вазирлик бош ҳисобчиси Қ. А. Бобоёровга онаси

Ҳамро БОБОЕРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Политехника олий билимгоҳи жамоаси «Ўзбек тили адабиёти ва жамиятшунослик» кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Т. Халиловга онаси

Ҳалимахон ВОҲИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси Бадиий жамоалари «Мақом» ансамблининг хонандалари, республикада хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовларга отаси

Ваҳобжон ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг молия бошқармаси жамоаси халқ хўжалигини молиявий маблаг билан таъминлаш бўлими мудири С. Д. Жубоевга укаси

Эржажон Дўсжонович ЖУБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 90. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12